



Абдуллох ибн Амажур ат-Туркий ва унинг ўгли Абу-л-Хасан Али фаргоналик фалакиётчи олимлардан бўлиб, бизнинг адабиётларда уларнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси деярли ўрганилмаган.

Ўрта асрларнинг машҳур, энг ишончли деб тан олинган библиографларидан Ибн ан-Надим ва Ибн ал-Кифтийлар ўзларининг «ал-Фихрист» ва «Ҳақимлар тарихи» («Тарих ал-хукама») китобларида бу олим ҳақида шундай деб ёзадилар:

«Абу ал-Косим Абдуллох ибн Амажур ал-Харавий Фаргона халқининг фарзандларидан. У замонасининг фозил ва ўз мавқеига эга бўлган уламоларидан бўлган. Олим куйидаги фойдали асарларнинг муаллифидир: «[Ҳатолардан] ҳолис зиж китоби» («Китоб аз-зиж ал-маъруф би-л-халис»), «Боглаб турувчи зиж китоби» («Китоб аз-зиж ал-маъ-руф би-л-музаннир»), «Гаройиб зиж» («аз-Зиж ал-бадиъий»), «Ўтмишлар зижи» («Зиж ал-мамаррат»), «Синдхинд зижи» («Зиж ас-Синд-хинд»), «Кулнинг зижи» («Зиж ал-кини»), «Мусофирга фойдали китоб» («Китаб зад ал-мусафир»), «Форс эраси бўйича Миррих [Марс] сайёраси учун зиж» («Китаб зиж ал-Миррих ала ат-тарих ал-фари-си»)). Манбалардан маълумки, бу олимнинг Абу ал-Хасан Али ибн Абу ал-Косим исми ўгли бўлиб, у ҳам астрономияга кизиккан. Бундан ташқари Ибн ал-Кифтий Амажур оиласига тегишли учинчи шахс, яъни Али ибн Амажурнинг ҳам астрономик кузатиш ишлари билан шугулланганини эътироф этади.

Ўрта асрларнинг йирик астрономларидан Ибн Юнус ас-Садафий (950—1009) олимга нисбатан унинг туркий насабдан бўлганлигини англатувчи «ат-Туркий» сўзини ҳам ишлатади ва ўз рисоаларининг бирида Амажурлар томонидан амалга оширилган куёш ва Ойнинг тутилиши ҳамда баъзи сайёраларни кузатиш тажрибаларини баён этади. У келтирган маълумотларга қараганда, олимлар баландликда жойлашган тўрт томонни кузатиш мумкин бўлган махсус масканда иш олиб борганлар. Унда кузатиш ишларида мўлжалланган маълум белгиланган йўналишни кўрсатувчи махсус узун туйнук ҳам мавжуд бўлиб, бу бино расадхона вазифасини бажарувчи зарурий қулайликларга эга бўлган. Абдуллох ибн Амажур ат-Туркий, унинг ўгли ва ёрдамчиси Муфлих ибн Юсуфлар куёш тутилишини кузатиш жараёнида ўн икки даража ва бир даражанинг тўққиздан бирини кўрсатиб берган жихоздан фойдаланганлар. Жихоздан бир даражанинг тўққиздан бир қисмини аниқлаш имконияти борлиги унинг мукамал мослама эканлигидан далолат беради. Амажурлар куёш, Ой, тургун юлдузлар ва сайёраларни

кузатиш билан боглик бўлган тажрибаларини асосак Багдод ва кисман Шероз шаҳарларида олиб борганлар (Олимнинг исмига кўшиб айтиладиган «ал-Шаравий», яъни «хиротлик» сўзи у Хирот шаҳрида ҳам фаолият кўрсатган, деган тахминни билдиради). Юкоридаги тажрибаларни бажариш ўз мохиятига кўра узок вақтни талаб этганлиги учун ҳам баъзи адабиётларда мазкур алломалар ўз тажрибалари устида эллик йилга якин ишлаганлар, деб кўрсатилади. Улар ўз тажрибаларининг натижаси сифатвда юкорида номлари зикр этилган катор астрономик рисоалар ва жадвалларни таълиф этганлар. Бу асарларнинг аксарияти бизгача етиб келмаганига карамасдан, Амажурларнинг икки кўлёзма асари хорижий мамлакатлар кутубхоналарида сакланади ва улар куйидагилардан иборат:

1. «Сайёраларнинг тутилиши ва богланиши хакида (астрологик) олдиндан айтиб беришлар мажмуаси» («Жавамиъ аҳкам ад-кусуфат ва-л-киран ал-кавакиб»). Рисола Париж ва Лейденда сакланади.
2. «Тайласан зиж» («Зиж ат-Тайласан»). Бу кўлёзма факат Парижда сакланиб колган. Юкоридаги «тайласан» сўзи араб тилида —бўйинни куёш нуридан химоя килиш максатида салла устидан елкагача ташлаб юриладиган рўмолни англатади. Шу сабабдан баъзи адабиётларда муаллифнинг бу рисоласи «Рўмол зиж» деб таржима этилган. Бу зиж хозирга кадар ўрганилмаганлиги сабабли унга нима максадда бундай ном берилганлиги аникланмаган.

Манбаларда Абдуллох ибн Амажур ат-Туркийнинг таваллуд топган ва вафот этган йили хакида маълумотлар сакланмаган. Шунинг учун ҳам унинг яшаган даврини IX—X асрлар деб тахмин килиш мумкин.

Б. Абдухалимов.